ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ КАРОРИ

110 Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва қушимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1705-2

(2012 йил 16 мартдан кучга киради)

Ӱзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ−1675-сон «Ӱзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўгри-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

10 (510)-сон — 65 — 110-модда

сида» ги қарорига мувофиқ, (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2012 й., 52-сон, 561-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-камаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қумитаси, Молия вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академияси **қарор қиладилар:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қумитаси, Молия вазирлиги, Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2007 йил 25 апрелдаги 2, 44, 81, 5-3-6/3 ва 2/4-сонли қарори (руйҳат раҳами 1705, 2007 йил 28 август) (Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2007 й., 35-36-сон, 362-модда) билан тасдиқланган Фундаментал ва амалий тадҳиҳотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби турисидаги низомга иловага мувофиҳ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш кумитаси раиси

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш., 2012 йил 3 февраль, 1-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2012 йил 3 февраль, 15-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 3 февраль, 42-сон

Иктисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш., 2012 йил 3 февраль, 1-сон 110-модда

— 66 — 10 (510)-сон

Фанлар академияси президенти

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш., 2012 йил 3 февраль, 3/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қумитаси, Молия вазирлиги,
Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2012 йил 3 февралдаги
1, 15, 42, 1, 3/2-сон қарорига
ИЛОВА

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

- 1. 6-банддаги «Қумитанинг» деган суз «Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қумитасининг (кейинги уринларда Қумита деб юритилади)» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 2. 28-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Илмий лойихаларга ажратиладиган бюджет маблағи миқдорининг 95 фоизи тадқиқот даври мобайнида, илмий лойихани амалга оширишда мехнат сарфи ва моддий харажатларни қоплаш учун ажратилади.

Илмий лойихага ажратиладиган бюджет маблагининг қолган 5 фоизи илмий-тадқиқот натижаси ишлаб чиқаришга ёки илмий-педагогик жараёнга татбиқ этиш учун илмий лойихани амалга ошириш натижалари экспертизадан ўтказилиб буюртмачи томонидан қабул қилганидан сўнг ажратилади».

3. 37-бандда:

учинчи хатбошидаги «тугалланадиган йилнинг ўн биринчи» деган сўзлар «хисобот йили ўнинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «йилнинг ўн биринчи» деган сўзлар «йил ўнинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

- 4. 38-банддаги «ўн биринчи» деган сўзлар «ўнинчи» деган сўз билан алмаштирилсин.
 - 5. Мазкур ўзгартиришлар ва қушимча Узбекистон Республикаси Соғлиқ-

10 (510)-сон

— 67 —

110-111-моддалар

ни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

A. UKPAMOB

2012 йил 3 февраль

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

3. РЎЗИЕВ

2012 йил 3 февраль

Халқ таълими вазири

Т. ШИРИНОВ

2012 йил 3 февраль